

АССОНАНС — (французча — охангдошлик, уйгунлик) роман халклари шеъриятида кенг таркалган факат ургу тушадиган унлилар охангдошлигига асосланадиган кофия тури.

Ассонанс ўз ўрнига кўра икки хилга ажратилади:

1) мисра охирида хамоханглик хосил килувчи ассонанслар:

Ишкинг билан ўртанар кўнгил,

Сехрлисан эрка ватаним.

Шоирингни — фигонли булбул,

Бўстонигни гул деб атадим. (Аскар Хосимов)

2) шеър мисраси ичидаги ургули унлилар такрорига асосланган хамоханглик.

Мазкур охангдошлик ички ассонанс дейилади. Масалан:

Асабга сўз берманг, одамлар,

Газабга йўл берманг, одамлар.

Умр-ку шунчалар кискадир,

Шуни хам килмаймиз биз кадр.

Асабга сўз берманг, одамлар,

Азобга йўл берманг, одамлар! (Э.Воҳидов)

Шеършуносликда оч ёки нотўлик кофия деб юритиладиган ассонанслар шеъриятда

кофия имкониятини кенгайтирди. Ўзбек шеъриятида хар икки ассонанснинг гўзал

намуналари Ойбек, Х.Олимжон, А.Орипов, Р.Парфи, У.Азим, Х.Даврон ва М.Абдулҳаким

каби шоирлар асарларида кўплаб учрайди.